



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

e-mail: uzas@mcs.uz

2013-yil 12-iyul • №28 (4219)

КЎРКАМ ДАДА, ОРЗУДАГИ УЙ



Шу кунларда юртимиз сарҳадлари бўйлаб сафар қилар бўлсангиз, энг аввало, ғалласи ўриб олинган бугдойзорлар, саратон офтобида ҳосилга ҳосил қўшаётган янги боғлар эътиборингизни тортиши тайин. Ғаллаорол далалари, Бахмал олмасорлари, Булунғуру Жомбой узумзорлари фаровонлик, тўкин-сочинлик кўзгуси сифатида кўзларни қувонтиради.

Зарафшон дарёси соҳилида кейинги икки-уч йил ичида қад ростлаган баҳайбат юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи "MAN" заводида маҳлиё бўлганча қадим пойтахтга кириб борамиз. "Афросиёб" экспресси "Самарқанд" шохбекатида учқур тулпордек кўзни қамаштириб турганига кўзимиз тушади. Серсаховат боғлари ғаллазорларгина эмас, уловларимиз ҳам, юрар йўлларимиз ҳам ҳазрат Навоий ташбеҳлари билан айтсак, энди сира "аввалгиларга ўхшамас". Тошкент ва Самарқанд оралиги атиги икки соатлик йўл бўлиб қолди. Айни кунларда Самарқанддан Қаршига бўлган темир йўлларимиз ҳам электрлаштирилиб, бурилишлар "учар поезд"лар ҳаракатига мослаб қайта қурилаётганига гувоҳ бўламиз. Бу шаҳарлар орасидаги масофа атиги бир соатда босиб ўтиладиган кунлар узок эмас.

Шу қувончлар билан Қарши темир йўл бекатига тушиб, Ғузур туманидаги "Тўра ота" фермер хўжалигига йўл олдик.

Уч дарё сувини учганлар

Янгибод каналининг ўн соҳилларига туташ кенг далаларда деҳқончилик қилаётган Тўхтамурад Тўраев кўпинча "Биз уч дарё сувидан баҳрамандамиз", дейиши хуш кўради. Суриштириб билсак, бу бежиз эмас экан. Аслида фермер далаларидан оқиб ўтувчи канал Чимкўрғон сув омборидан обиҳаёт олади. Унга фақат Қашқадарёгина эмас, Эски анҳор каналидан Зарафшон суви ҳам келиб қўшилган. "Хўш, учинчи дарё қаердан келади?", деб сўраймиз чош қилиб уйилган олтин ранг хирмонга меҳри ийиб боқайтган Тўхтамурад акадан.

— Учинчи дарё — ўзимизнинг Амур дарё-да. Об-ҳаво қурғоқчил келган йилларда Қарши магистрал каналига ўрнатилган насосларни ишга қўшамиз. Ана шунда уч дарё суви бир-бирига қўшилиб оқа бошлайди, — дейди у "қашфиёт"идан завқланиб.

Фермер хўжалиги деҳқонлари бу йил 80 гектар майдонга биринчи марта "Яксарт" навли дон экишган экан. Буни қарангки ҳар гектар бугдойдан ўртача 50 центнердан хирмон кўтаришибди. Айрим далалар ҳосили эса 60 центнердан ҳам ошибди.

Сухбатимиз эндигина уруғлик ғалла ўриб олинган далада давом этаётгани учун ҳам гап мавзун ўз-ўзидан мамлакатнинг ғалла мустақиллигини таъминлаган омиллар ва бунда фермерлик ҳаракатининг улуши ҳақида борди.

— Мана бу далаларга бир қаранг, — дейди Тўхтамурад ака салмоқлаб гап бошларкан. — Янглишмасам, шу жойда салкам эллик йилдан бери деҳқончилик қилинади. Бироқ йигирма беш йил аввал ҳам манзара бир хил эди. Ола-чалпоқ кўкарган нимжон ғўзалар аранг 18 центнердан ҳосил берарди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Ғузур туманидаги Болалар музика ва санъат мактаби. Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Алишер Навоий

БУЮК ҲИММАТ

Ки тенгри ҳарне комингдур етурсин, Неким истарсен олинга кетурсин.

Фалак янглиг бийик ҳиммат бу бўлғай, Қуёш янглиг ариг ният бу бўлғай.

Фалак суртиб жобинлар ҳимматинга, Қуёш деб офаринлар ниятинга,

Ки кўзни бас рафиё айвонга солдинг, Бийикрак тўпанинг тупроғин олдинг.

Агар тупроғ тутсанг бўлсун олтув, Оқизсанг қатраи хай дурри макнун.

Кишиким ичса ҳиммат базмидин жом, Топар ул жомдин комин саранжом.

Не қушиким бўлса ҳимматдин қаноти, Эмас паст ошёнга илтифоти.

Очиб ҳиммат қанотин насри тойир, Эрур гардун шабистониға сойир.

Ким ўлса ҳиммат илқидин қушоди, Не топсунким, топилгондур муроди.

Бийиклик келди ҳимматдин нишона, Ки ҳимматсизни паст этти замона...

Чу сен ҳам бўйла ҳиммат зоҳир эттинг, Тарадуд йўқки мақсудинга еттинг.

"Фарҳод ва Ширин" достонидан.

Ватан оёда — кўнгли оёда!

Мамлакатимизда турли миллат вакиллари аҳил ва иноқликда яшаб келишмоқда. Уларга барча соҳалардаги каби ижод қилишлари учун ҳам кенг имкониятлар яратилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги русийзабон адабиёт кенгаши йиғилишида ана шу ҳақда сўз борди.

— Рус тилида ижод қилувчи ёзувчи ва шоирлар томонидан кўплаб яхши асарлар ёзилаётгани қувонарли ҳол, — деди Ёзувчи-

лар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.

Бундай асарлар вақтли матбуот нашрлари орқали мунтазам эълон қилиняпти.

ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

Шу билан бирга, айни пайтда рус тилидаги асарларни ўзбек тилига, ўзбек тилидаги асарларни рус тилига таржима қилиш бора-сида ҳам эътиборга лойиқ ишлар амалга ошириляёт-

Ёзувчилар уюшмаси

гани ижодкорларимиз фаолиятининг янада юксалишига хизмат қилади. Русийзабон адабиёт кенгаши раиси Владимир Васильев, Республика байналминал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев ҳамда адабиётшунос Аҳмадбек Алимбеков ҳозирги кунда юртимиздаги турли миллатга мансуб адибларнинг бадиий ижод соҳасидаги фаолиятлари бора-сида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид,

Ахборот хизмати.

Ахборот хизмати.

Самарқанд азалдан илм-фан ва маданият маркази сифатида дунё аҳли нигоҳидаги шаҳардир. Хусусан, бу заминда музика санъати тараққиёти ҳам бир неча минг йиллик тарихга эга. Ургут туманидаги Мўминобод қишлоғидан суқалган ясалган найнинг топилиши, Афросиёб харобаларидаги деворни суратларда созандалар тасвири туширилгани бунга далил бўла олади. Темирйўллар даврида Самарқандда музика ва санъат ривожини йўлда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилган.

Мирзо Улуғбек асос солган мадрасада ҳисоб ва фалакит илми билан бирга музика бўйича ҳам ўз даврининг йирик олимлари ёшларга сабоқ берган. Ана шундай бой тарихий манбалар, илмий салоҳият туфайли асрлар оша Самарқандда музика санъати ри-

маърузалар тингланади. Шунингдек, музика индустрияси соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича менежер ва продюсерлар иштирокида давра суҳбати ўтказилади.

Албатта, юртимиз санъат аҳли, олим ва тадқиқотчилар "Шарқ таро-

ерда билдирилган фикрлар талабаларнинг илмий излашлариغا асос бўлиб хизмат қилади. Ўзим ҳам бир неча марта миллий қолғу асбобларимизнинг имкониятлари, ижро услублари ҳақида маъруза қилганман. Афғон ва қашқар рубоиди янги оҳанглар яратиш юзасидан илмий излашларим натижаларини иштирокчилар хуқмига хавола этгандим. Ўз навбатида, хорижий давлатлардаги ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашиб, илмий ҳамкорлик



Ғолиб ҲАСАНОВ

ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛОВЧИ АНЖУМАН

вожланиб, сайқал топиб келмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Самарқандда "Шарқ тароналари" халқаро музика фестивалининг ўтказиб келинаётгани ҳам чуқур рамзий маънога эга.

Бу йил тўққизинчи бор ташкил этилаётган фестивалда дунёнинг барча қитъаларидан созанда ва қўшиқчилар, санъатшунослар иштирок этиш истагини билдирган. Мухими, иштирокчилар ўз санъатларини намойиш этиш билан бирга фестивал доирасидаги халқаро илмий-амалий анжуманда дунё халқлари миллий музика санъати тарихи ва аъёналарини ўрганиш, уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш юзасидан фикрлашиб оладилар.

Фестивал доирасидаги навбатдаги анжуман "Шарқ халқлари музика аъёналари замонавий маданият тизимида" деб номланган. Унда "Шарқ музика аъёналарини ўрганишнинг услубий масалалари", "Замонавий ижрочилик санъатида аъёналар узвийлиги", "Шарқ музика аъёналарининг ижодий талқинлари", "Глобаллашув шароитида музика аъёналарини сақлаш ва ривожлантириш тамойиллари", "Музика аъёналар ва оммавий маданият" каби бир қанча йўналишларда

наларни" фестивали бошланишини орақиб кутмоқда. Жумладан, Самарқанд давлат университети санъатшунослари ва ёш тадқиқотчилари ҳам соҳада амалга оширган илмий излашлар борасида халқаро анжуман қатнашчилари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиб ниятидалар.

— Бугун халқаро майдонда глобаллашув жараёни тезлашиб, музика ва қўшиқчиликда "оммавий маданият" таъсири сезилаётган бир пайтда "Шарқ тароналари" каби йирик санъат анжуманларининг ўтказилаётгани катта аҳамиятга эга, — дейди Самарқанд давлат университети доценти, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси Равадан Ҳамроқуллов. — Қолаверса, ушбу анжуман доирасида ўтказилган илмий конференция турли мамлакат ижрочилари, музика арбоблари ва олимлари ўртасида ижодий алоқаларни ўрнатиш, турли қитъаларда содир бўлаётган музика жараёнларини уйғунлаштириш имконини беради. Университетимиз олимлари, талаба-ёшлар ҳам мазкур тадбирларда мунтазам қатнашиб боришади. Чунки ҳар бир анжуман материалларидан ўқиш жараёнида фойдаланамиз. Бу

алоқаларини йўлга қўйганмиз. Жумладан, Туркменистон, Озарбойжон, Россия, Корея, Хитой ва Ҳиндистон олимлари ҳамда санъаткорлари билан танишиб, илмий-ижодий ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

Ғолиб ҲАСАНОВ

Миллий матбуот марказида

Мамлакатимизда демократия тамойиллари асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ўсиб келаятган ёш авлоднинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, уларнинг онги, дунёқараши ва сиёсий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда.

Кунги кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ҳам Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"ТАЗКИРАТ УШ-ШУАРО" ЎЗБЕК ТИЛИДА

Истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўна урф-одат ва аъёналаримиз қайта тикланди. Мумтоз ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш ва чоп этиш янгича асосларда йўлга қўйилди. Шарқ ва Ғарб бадиий адабиёти дурдоналарининг таржимаси ва таҳлил борасидаги сайёҳаракатлар ҳам ҳар жиҳатдан самарали, изчил давом этаётир. Бадиий-эстетик тафаккур мезонларининг янгилааниши, хоҳ мумтоз адабиётимиз, хоҳ замонавий ўзбек адабиёти асарлари таҳлил ва нашрида бўлсин, мустақиллик даври адабий жараёнининг ҳар бир ҳодиса ва янгиликларидан бўй кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда "Тазкират уш-шуаро" асарида XVI аср иккунчи ярми — XVII аср бошидаги нинг асл ҳолида, таржима ва таҳлил қилиниб нашр этилаётгани бағоят қувонарли ҳол. Ватандошимиз, шоир ва адабиётшунос Мутрибий Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асари нашири ушбу фикр тасдиғидир.

Мутрибий Самарқандий томонидан 1605 йили форс тилида яратилган "Тазки-

рат уш-шуаро" асарида XVI аср иккунчи ярми — XVII аср бошидаги нинг асл ҳолида, таржима ва таҳлил қилиниб нашр этилаётгани бағоят қувонарли ҳол. Ватандошимиз, шоир ва адабиётшунос Мутрибий Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асари нашири ушбу фикр тасдиғидир.



Таржима — юксак санъат

кўлэзма ЎзФА Шарқшунослик институтида 2253 рақами остида сақланади.

"Тазкират уш-шуаро" илк бор ўзбек манбашуноси Исмоил Бекжонов томонидан тадқиқ қилиниб, бу қамровли ва жиҳдий илмий иш олимнинг "Мутрибий тазкиралари муҳим адабий манба" номли монографиясида ("Mumtoz so'z", 2009) ўз ифодасини топти. Шунингдек тожикистонлик А.Жонфидо ва эронлик Аъло Али Марвдаштий каби олимлар томонидан Тошкент кўлэзма нусхаси асосида 1999 йили Техронда "Мероси мактуб" нашриётида чоп этилди.

Давоми учинчи саҳифада.

АХБОРОТ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

Тадбирда ОАВнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш суръати таҳлил этилиб, уларнинг ривожини таъминлайдиган қонунчилик базасининг яратилгани соҳа тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Демократлашти-

риш жараёнида журналистларнинг фаол иштироки ҳақида сўз борар экан, уларнинг ҳар бир ҳоли ва ҳаққоний сўзи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, миллий кадриятларимизга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбе-

кистон Республикасининг "Воёга етмаганларни жисмоний ва маънавий ривожланишга салбий таъсир этувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазкур агентлик ва тегишли давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилганига алоҳида ургу берилди. 8 боб ва 34 банддан иборат ушбу қонун лойиҳасида болалар ва ўсмирлар учун ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, яъни уларнинг жисмоний, руҳий, ахлоқий ва маънавий соғлиғига таъсир этувчи ахборотлар, зўравонлик, шафқатсизликни тарғиб қилувчи босма, аудио-аудиовизуал махсулотлар, электрон ва компютер ўйинларидан ҳимоялашнинг қонуний қарорлари ва ташкилий-ҳуқуқий механизмлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўз мухбиримиз.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Фермернинг гап оҳанги, сўзлаш роишидан англадикки, мустақилликкача бу даладан «монокултура» асоратида ориқлаб, шўрлаб, номига ҳосил берган. «Бир қарич ерга бошқа экин экиб кўрини-чи? Эшитадиганини эшитиб, кўрадиганини кўрадик! — дейди у. — Мен яқинда «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини яна бир бор кўздан кечириб, бир мисолни ён дафтаримга ёзиб қўйдим. Мустақилликка қадар пахтани етиштириш учун кетган мезоннинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушганига қарамай, уни дастлабки қайта ишладан олинадиган даромаднинг атиги 16 фоизига республикада қоларкан. Бу ҳам етмагандек, ўзимиз учун зарур дон-дун экиб оломасдик. Ёнгинамизда Қозоғистон галла етиштиришда, у бизга собиқ иттифоннинг бешта худудидан олиб келинган экан... Мустақиллик бизга ҳамма ҳақ-ҳуқуқимизни қайтариб берди, ерга эгаллик ҳиссимиз тикланди. Тўғри, ер давлат мулки. Бироқ у бизга мерос қилиш ҳуқуқи билан абадий фойдаланишга берилган. Мана, қаранг, далаларимизнинг тенг эрмига галла экимиз. Бог-роғимиз ҳам, сабзавот-поллимиз ҳам, чорва учун озиқ экадиган, алмашлаб экадиган далаларимиз ҳам бор. Яна ҳукумат фермерлик энди кўп тармоқли бўлсин демоқда, шундай хўжаликлар рағбатлантирилмоқда.

«Тура бобо» фермер хўжалиги давлатга 250 тонна уруғлик бугдой сотибди. Режадан ортиқ уюлган хирмондан саксон тоннаси эса ишчиларга тарқатилибди. Уларнинг ўртача ойлик маоши беш юз минг сўмдан кам эмас экан. Тўхтамурад ака бу рақамларни шунчаки одатдаги мисоллардек тилга олди-ю, бизга синчков назар солиб сўзидя давом этди:

— Президентимизнинг бир гапи ҳеч эсимдан чикмайди. Тўқсон биринчи йилнинг баҳорида бўлиб ўтган курултойда у киши «Деҳқон бой бўлмасдан — ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас», дегандилар. Албатта, ўқиган бўлсаларингиз керак, ўша кезлар республикада бор-йўғи икки ҳафталик дон захираси қолган экан. Бу қалити вазиятдан чиқиб олиш учун Юртбошимизнинг дадил саъй-ҳаракати билан хориждан пешма-пеш дон сотиб олиб келинган экан... Уз донинг, ўз нонинг бўлганига нима этсин!

Фермер галла мустақиллигининг моҳиятига ишора қилмоқда. Сўзсиз, бу жараёнда у каби минглаб фермерларнинг ҳиссаси катта. Қорувли гавдаси ўзига ҳўп ярашган, дашт шамолларига қорайган чехраси сайхон жилмайиб кўювчи Тўхтамурад ака билан сўхбатлашсангиз, баҳри-дилнингиз очилади. Унинг аниқ ҳисоб-китоби, мисоллар билан гапириши, ўрни келганда халқона мақоллар орқали фикрини дангал ифода этиши ўз ишидан кўнгли тўқ, бир олам ташвишларнинг удрасидан чиқиб юрган ишчан одамнинг қиёфасини намён этади. Ундан фермерликдаги ютуқлар қандай омилларга боғлиқ, деб сўраймиз.

— Аввало, ҳисоб-китобни билиш, сўнг тажриба ва миришкорлик зарур, — дейди суҳбатдошимиз. — Бироқ сув билан

техникага етадигани йўқ. Сув, бир жиҳатдан, об-ҳавога боғлиқ бўлса, иккинчидан, одамларнинг ўзига боғлиқ томони ҳам йўқ эмас. Нега десангиз, сув каналдан келади. Режа асосида, аввалдан тузилган жадвал асосида. Бу ҳам яхши. Бироқ осмоннинг жадвал билан иши йўқ. Январнинг бошида, ҳали киши изғирини кетмай осмондан гоҳ қор, гоҳида челақлаб ёмғир ёғиб турган бўлса-ю каналларга сув очилиб, галлангни сўғориб ол, дея қисталанг қилиб туришса?! Ана шундай кезлар олтиндан ҳам қиммат обихаётдан тежамли фойдаланолмай ичингиз ачишади, ҳар қанча уринманг айрим жойларнинг суви

ларини учратдик. — Намунавий лойиҳадаги уйлар қурилиши апрел ойида бошланган эди, — дейди компания назоратчиси Жуман Бердиев. — Бир йўла 27 та пудратчи ташкилот иш олиб бормоқда. Хар бири етиддан ўнгагача уйни бус-бутун қуриб топширишни зиммасига олган. Мана, кўриб турибсиз, уйлар ҳам, кўчалар ҳам кўзга ташланиб қолди. Энди навбат пардоз ва ободончилик ишларига. — Бу уйларнинг тайёрини кўраман, десангиз «Мирмирон» кишлоғига боринг, — дейди «Спартак» хусусий қурилиш-ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Жамшид Каримов. — Биз болалар спорт май-

фоизи кам кредит бермаса, бундай уйларга харидорлар у қадар кўп бўлмасди... — Биттагина мисолга эътибор қилинг, — деб сўзидя давом этади Жамшид. — Бир тонна цементнинг бозор нархи 460 минг сўм. Биз эса қишлоқ ахлига мўлжалланган бу уйларни қуриш учун цементнинг ҳар тоннасини 160 минг сўмдан харид қилаёلمиз. Яна бир жиҳатни айтмасам ҳам ўзларингиз яхши биласизлар: мана шу қурилишларда қанчадан-қанча одамлар юқори маошли иш билан қанд бўлаётди, бинокорлик касб-корига қизиққан қанчадан-қанча ёшларимиз хунар эгаллаётди. Бу жараён узлуксиз давом этапти.

йўланма олишаётган экан. Тадбирни туман ҳокими ўринбосари Фотима Кароматова очиб, истиқлолимизнинг 22 йиллигига бағишланган бу учрашув ўзига ҳос адабиёт байрами сифатида ҳам қадри эканини таъкидлади. Абдулла Орипов мазкур даргоҳда замонавий касб-хунарларни эгаллаб чиқарган битирувчиларни қутлар экан, мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб давлатимиз ёшларнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улгайиши йўлида катта ғамхўрлик кўрсатиб келаятигани, мамлакат бюджетни ҳаражатлар қисмининг ярмидан ҳам кўли таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтириляётгани ва бу хол дунё тажрибасида жуда камдан-кам учрашига эътибор қаратди.

— Сиз ёшлар жуғрофияни яхши биласизлар, — дея сўзидя давом этди атоқли шоиримиз. — Ёр шарининг глобусида йиғирма икки йил бурун Ўзбекистон деган давлат тасвири йўқ эди. Мен бир замонлар унга боқиб «Она сайёра» деган шёр ҳам ёзганман. Мана энди, ана шу глобус — Ёр шаридан жой олган мамлакатларнинг ўрганганда ҳеч қим Ўзбекистон давлатини эътироф этмасдан ўта олмайди. Бу бизнинг тарихий ҳақ-ҳуқуқимиз. Бу буюк миллат, буюк эл олти аср аввал ҳам Ёр юзини ўзига қаратган эди. Бугунги мустақил Ўзбекистонимиз, ҳажонки қўйил қолдираётган ўзига ҳос тараққиёт йўлимиз-ни ифода этувчи ўзбек модели буюк аждодлардан мерос ана шу Ватаннинг жаҳон меҳваридя ўзлигини қайтадан намён эта бошлагани тимсолидир. Мана шундай шинам, ёп-ёруғ, жиҳозлари тўқис илм даргоҳларида таҳсил олган болаларимиз Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб улгайишига ишончим қомил.

Талабалар ва мураббийлар иштирокидаги жонли мулоқот мустақиллик мушоирасига уланди. Устоз шоиримиз бошлаб берган шёрхонлиқни Хол Мухаммад Ҳасан, Исмоил Тўхтамушев, Фотима Кароматова, Мухаммад Очил, Дониёр Бегимқулов, талабалар давом эттирдилар. Коллеж директори Ҳасан Холмуродов ижодий гуруҳ аъзоларига миннатдорлик ихсдор этди.

Шу худуддаги Лангар ота мақбарасини зиёрат қилиб, Фанлар академиясининг Астрономия институтига қарашли Майданак обсерваторияси сари йўл олар эканмиз, Қўқабулук, Оқ даҳана, Катта тол, Қўға каби тоғлар тўғида кўнмин тоғлан манзилларда ҳозиргидек гўзал янги мактаблару касб-хунар коллежларига эмас, манунавий лойиҳадаги янги қишлоқлар ҳам қад ростлаб, қадим тоғлар кўксини беашига астойдил ишондик.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

КЎРКАМ ДАДА, ОРЗУДАГИ УЙ

зовурга уриб кетади...

Техника масаласида ҳам фермернинг ўз фикри бор. Сўнгги йилларда хўжалиқнинг ўрими-йиғими техникалари кўпайибди. Қўша-қўша комбайнлар харид қилинибди. Бироқ беда ўрувчи янги техникага эҳтиёж катта. Ҳозирча... эскиси бутланиб ишлатилаётган экан. «Энди тошкентлик тракторсозлар ҳам асакалик автомобилсозлар каби янги уловлари сифатида кафолат берадиган бўлишсаёди, деҳқону фермер дўпписини тагин-да осмонга отарди», дейди у.

Бу гурунг фермер даласидаги мулоқотнинг қисқасига баён. Агар уни ишдан кўяман, қимматли вақтини ўғирламайман, деб истиҳола қилмасангиз фермер кўнглининг тубидаги ўй-кечинмалари, гуруру ифтихори боисини деҳқонча содда фалсафа билан ифода этиши тайин. Хайрлашаётиб эса, «Туманимизда шундай ажойиб уйлар қуриляптики, шаҳарликлар ҳавас қилса арзийди. Уларни ҳам бир кўринлар», деб қолди.

Машъал — янги қишлоқ

Қарши — Ғузор йўлининг йиғирма бешинчи километри. Дашт бағрига қора тасмадай тўшалган йўлдан маминалар гизиллаб ўтиб турибди. Унга ёнма-ён чўзилган пўлат излардан тақир-туқур қилиб ўтаётган сон-саноксиз оғир цистерналар эса Бойсуи тоғларини кўзлаб илгарилайди.

Бу манзараларни шу қадим йўллар атрофида янгидан барпо этиляётган замонавий «Машъал» қишлоғидан уй-жой оладиган деҳқону фермерларнинг фарзандлари яна икки-уч ойдан сўнг завқланиб, томошя қилишса, поездаларда ўтиб бораётган йўловчиларга шодон кўл силкишса, ажаб эмас. Бугун эса, қурилиш авжида. Мустақиллик байрами арафасида бу манзилда 240 та янги ҳовли калити эгаларига топширилади. Хар лаҳза ғанимат.

Қурилишининг бутун кўлами чизмаларда акс эттирилган қароргоҳда бюрутмачи ташкилот — «Қишлоққурилишвест» компанияси Қашқадарь вилоят бўлими вакил-

Суратда: бинокор Жобир Аҳмедов Китоб туманидаги янги қишлоқтар қурилишида.



дони ёнидаги йиғирмата беш хонали уй қуриб бердик. Ҳозир уларга кўчиб кирган одамлар уй тўйларини ўтказиляпти, Хориждан келган мутахассислар ҳам катта баҳо бериб кетишди.

— Хорижликлар сиз курган уйлар сифатида баҳо беришдими ёки Ўзбекистоннинг қишлоқ қурилиши бўйича тажрибасига? — деб сўраймиз Жамшиддан.


У дарҳол ҳозиржавоблик билан «Хар иккисигаям», деди ва кўшиб қўйди: — Қурувчи — бу, бунёд этувчи дегани. Ўзимиз курган уйларни кўриб, ўзимизнинг ҳам завқимиз келади. Ахир, нега қувонмайлик. Биргина мана шу намунавий лойиҳадаги уйлар қурилиши бир йўла қанча масалани ҳал этаётганига эътибор беринг. Аввало, юртимиз обод бўляпти. Қишлоқда яшаётганлар ҳам муносиб турмуш тарзи, қулайликларга эга бўляпти. Агар давлат ёрдам бермаса, қурилиш ташкилотлари бу уйлар учун ўн тўрт турдаги бинокорлик материалларини имтиёзлик нархларда харид қилмаса, банklar уй эгаларига узоқ муддатли

опа дуога кўл очди:

— Бизга шундай обод ҳовли жойларда эмин-эркин яшашни раво курган Аллоҳга беадаб шукр. Илоҳим, эл-юртимиз, келажак авлодларимиз бахтли ҳаёт кечириши учун раҳнамлик қилаётган Юртбошимиз ҳамиша омон бўлсинлар!

Тарихий ҳақ-ҳуқуқимиз

Бундай шукроналик туйғуларни вилоят марказида қайта қурилиб обод этиляётган зиёратгоҳларда, Қарши давлат университети ҳамда Қамашу туманининг Чангақ қишлоғида қад ростлаган касб-хунар коллежидаги ижодий учрашув лаҳзаларида ҳам қалбларни лиммо-лим этиб турди. Информатика ва сервис коллежи юксак тоғлар бағридаги қишлоқларга ўзгача кўрк бағишлаган. Бу масканга Ўзбекистон Қарамони, Халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигида ижодкорлар ташриф буюрган кун коллежини бу йилги битирувчилари катта ҳаётга



лар устида кўз нурини тўқадилар. Наҳангни тасвирга тушириш ва уни гапириб бериш учун у билан, билмайман, ҳаётни гаровга қўйиб, қанча вақт бирга суздилар. Наҳанг бора-сидаги жами адабиётни титқилаб чиқадилар, бошқалар яратган фильмларни кўриб оладилар. Э уллас, бу фильмлар минг машаққат билан юзага келади ва шу машаққатлар самараси ўлароқ тасвирлари кўримили, мазмунли маълумотларга бой, таржимасига қараб таҳмин қилсангиз, яратилган тили ҳам гўзал. Хорижий телеканалларда яратилган хужжатли фильмларни рус тилига қилинган таржималарда кўраман, уларда хар бир гиёҳ, хар бир ашё, хар бир жонзотнинг ўзига хосликларини айтибгина қолмай, номигача,

«чағил» дейди («Чағил қизима ер бўлади» — бу лўнда ибора маъносини бериш учун биз қанча ортиқча сўз ишлатамиз). Тоғ бағридаги ингичка йўл битта атама билан «чизиқ» деб айтилади. Нима бу: нукул «тоғ», «қоя» (ё чўққи), «дара», тоққа тегишли бошқа атамалар йўқми, деб эринмай луғат арақладим, қаранг, қанча атаманонларимиз дуч келдим: «кироқ», «қоянинг усти», «Ой тугади кирокдан», «хуччи» (қоя уч), «ширам» (узунасига чўзилган қоя), «сала» (чўққининг уч қисми), «қасноқ» (дараларнинг айлана нуқтаси), «қат» (қир, чўққининг баланд учи, унда фақат архар юради), «қатал» (ёлғизоёқ йўли бўлган эниш), «чучун» (тоғли худудлардаги табиий чуқурлик, яшин уриб чуқур бўлган жой), «чағил» (майда тошли қия ёнбағир), «чунгул» (дара ичида юриш қийин, чуқур-чоп жой), «қасоға» (қуйидан юқорига кетган қат-қат ясси тош уюми), «киррак», «қисилчанг», «қозов», «чағал», «чағат», «чийир», «чинг», «чалтов», «таранг»...

Чўққи тоғнинг энг баланд нуқтаси, у бир тоғда битта ё бир нечтагина бўлади, қоя эса ўнлаб, минглаб ҳам бўлиши мумкин. Рус тилида «вершина» билан «скала»ни фарқлайдилар, таржимонларимиз эса аралаш қўлайверадилар. Худди шундай «скальствие горы»ни «қояли тоғлар» деб ўғираверадилар, ҳолбуки тасвирда кўриниб тургани фақат битта тоғ, уни «қояли» деб айтиш ортиқча. Ясси тоғнинг эса ўзбек тилида ўз атамаси бор. Албатта, бу атамаларни, табиийки, билмаймиз, чунки тоғда яшамаймиз, хар қуни тоққа чиқмаймиз. Шу боисдан тоғда ўсадиган «умрзоқул», «эрбахоши», «эчкимчак», «шатраж», «қораяпроқ», «қарғатирноқ», «қизилпойча», «айққулоқ», «шаппа», «белдиргон», «бирсепар», «бирчанок», «абрик», «далачой», «каравуш», «бўймодарон», «дармана», «дасторбош», «гулдавағча», «дўғбўйин», «қилқанот», «чиранак», «тошбақатол», «жанжабол» («занжабол»), «игир» каби ўнлаб гиёҳларнинг (аксарияти доривор) номидан ҳам баҳараримиз (мен ҳам бу атамаларни Т.Нафасов, Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирлининг китобларидан тергилаб олдим ва ҳеч бўлмаса бир ёдга олиб қўйлик деб, завқ билан санаяман). Албатта, тоғчи одам ё мутахассис бўлмаса, бунақа атамаларни эслаб юриш мушкул, шарт ҳам эмас. Лекин шу гиёҳу ўту ўнларла ўз тоғларимизда ўсиб ётибди. Тоғ ва унинг наботот дунёси ҳақида филм бўлади, мақолами, китобми таржима қиладиган тилмоч буларни билиши,

жилла курса, луғатлардан излаши керак. Луғат тузувчилар ҳам муқобиларни ўзидан учритмай, эски луғатларга суяниши, шева бойликларидан изланишлари лозим.

Мана, масалан, энди кераксиздек бир мисолни олайлик. Шевада уйрбоб — урбоб истилоҳи бор, бунинг изоҳини қаранг: «қора уй туворлигининг бошига тикилган тасма». Энди бунда «туворлик»ни билмаймиз. Унинг ҳам изоҳи бор экан: «Қора уй эрганаги билан тувор боғланган қисмдан кераганини чий ёйиладиган қисмигача ёйиладиган тўрт бўлак қилгиз». Энди «эрганак» — «қора уй, мол қўра, қўтонларнинг эшиги». Ҳўп, «чий», «қора уй», «мол қўра»ни тусмол билмаймиз. Қаранг-да, қанчақ истилоҳларни билмаймиз, ишлатмаймиз: «қошғари», «қушоёқ», «ғилдиравик», «қўшқанот», «қайчиқулоқ», «тўякўз», «тўдагул», «барчин», «қиягул», «турум», «тулак», «туйнукёқич», «туйнукбов», «қўйкувшурма», «тувоқ», «тўнарма», «увоқ», «увоқов», «чангароқ», «узук», «узукбов», «уйқозик», «уйаркон», «уйбоғиш»... Ўтов, қора уйга, унинг узларига тегишли мазкур атамаларни яна ўша Т.Нафасов, Б.Тўйчибоев, Қ.Қашқирлининг тадқиқотларидан олдим. Шу бойликлар энди гўё кераксиз, озгачида қолиб кетган эскилик!

Бунақа атама, истилоҳлар адабий тилга ҳам кирмаган, уларни ёзишга биз қалам аҳли инжилаш, кўпимиз билмаймиз ҳам, билиш шарт эмас деб қараймиз, лекин туби биз билан бир туркий тили кўшиларимиз қора уйнинг хар ашёсигача номма-ном билладилар, уни эҳтиром қиладилар. Биз нимага ўтмишимизни эсдан чиқаришимиз керак? Тил ўтмишидан юз буриш — ўзалигидан юз буриш, сўз бойликларини суррогат атамаларга алмаштириш — бу тафаккурни суррогат қолиппа солиб, адабий тилни муайян тусвога солиб қўйишдир. Минг йил илгариги «Девону лугатит турк»дан бу ёғига тараққийлаб бўлган тилимизнинг бугун нима аҳволга соляётганимиз ўзини ўзбек деб уйлайдиган, ўзини фикр қилувчи ҳисоблайдиган хар бир фуқаронинг ўз танига ақлашадиган муаммоси ва шунга бефарволиги учун виждони, орияти олдида, қолаверса, давлат тили ҳақидаги

Қонун олдида жаовб берадиган масаладир. Зеро, давлат қанақақадир бир умумий макон эмас, у — ўзимиз, хар биримиз.



Аҳмад АБЗАМ

ЧАШМАЛАРДАН ЙИФИЛАДИГАН НАҲРУН ҲАЁТ

кечирадиларми?

Бундай уйлаб қарасанг, кўпинча муқобили бўлатуриб, баъзи ҳолларда эса иложсизликдан киритилган ёт сўзларнинг унча ҳам зарари йўқдек туюлади, лойдан тикланган, деса нима бўпти, одамлар тасвирда пахса эканини кўриб турибди-ку, «матрас» «тушак»ка нисбатан тушунарли, ҳам аниқ, ҳамма нима деса, шуни қилайлик-да. Энди «барана» («борона»)дан «симхоло»га қайтиб қанча барака топардик! Силловсин билан қоракўлоқни кўрмаган бўлсак, фарқини билмасак, иккови ҳам йўқ бўлиб кетаётган бўлса, уларни «ёввойи мушук» деганимиз ўнгайроқ эмасми? (Бир филмда русча «каракал» ўзбекчага «каракол» деб ўгирилган, ҳолбуки «қоракўлоқ» деб ўгирилса бўларди) Олдинги луғатлардан бириди «двойник» — «хаммафт», «хамбет» деб таржима қилинган экин («бетдош», «афтдош» демабди яхши ҳам). Мен шу баъзи луғатларни арақлаб талай атамалар таржимаси луғатчиларнинг ўз ижоди эмасмикан деган шубҳага бораман. Масалан, «Серна» — тоғ кийик, қора эчки. «Серна»нинг туби туркий эмасмикан, йўқ эса қора тилда «тоғ кийик», демайдилар, кейин бу ўзи кийикми, эчкими, унинг аниқ бир атамаси бўлиши керак. Балки турдошлиги бордир, лекин бизда қишлоқ билан эчки фарқланади.

Ўз тилимиз, шева сўз бойликларига эътиборсизлигимиз тўғайли, масалан, оху, кийик, марал, буғуни фарқламаймиз. Сайгоқни бир «сай-

Иккинчи мақола

ишлатилади («кўзлари қуралай»). Бир филмда гну антилопаси «гну охуси» деб таржима қилинди. Гну — гавдаси қорамолдек, шохи ҳам буқа шохига менгаш йирик ҳайвон, биз эса охуни нозик кийик сифатида тасаввур қиламиз. Асл муқобилини билмагандан кейин хар макомга йўғалашнинг нима кераги бор: «ҳайвонларнинг рақа кўпайиш мавсуми» эмиш! Бу фасл луғатчи мавносиди ҳам кўпайиш мавсуми эмас, қуйга келиш, қуйкиши, илиқиш, қочиб палласи. Кўпайишнинг жониворларнинг турига қараб, «кўзиллаш», «қулунлаш», «кучуклаш», «болалаш» каби ўрнида қўлланадиган истилоҳларни мавжуд. Матбуот тилида ёғибховш «қўзиллаш мавсуми»ни халқ соддагина қилиб «тўл» дейди-кўяди. «Ёмғирлар мавсуми» эмас, «ёмғир мавсуми», аникроги «ёгин мавсуми», яна ҳам аникроги «ёгингарчил» — авом тилида бундан ҳам тўғрироқ — «ҳўлгарчилик».

Муаммонинг яна бир жиҳати бор. Мен ҳужжатли фильмларни жуда ёқтираман, кўп кўраман. Турли мамлакатлардаги одамларнинг туриш-турмуши, хар хил юртларнинг табиати, ҳайвоноти, набототи ҳақида. Бу филмлар чет элларда жуда катта меҳнат, ундан кам бўлмаган маблағ билан яратилади. Бир гингвинни суратга тушириш учун қархотан Антарктидада ойлаб қолиб кетадилар ва бу паранда ҳақидаги жилд-жилд тадқиқот-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

УМИД ВА ЁРУҒЛИК ТИМСОДЛАРИ

Ёғоч ўймакорлиги Ўзбекистонда қадим замонлардан бўён авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандлик турларидан биридир. Бу санъат турли нақшларга бойинга ва услубий хилма-хиллик билан ажралиб туради. Қадимдан тураржой бинолари ва турли иншоотларнинг устунлари, шифти, дераза ва эшиклари ёғоч ўймакорлиги асосида безатилаган.

Мустақиллик йилларида юртимизда ҳунармандликнинг бу турига жиддий эътибор берилиб, унинг ривожланишига, мавжуд аъёнлар замонавий унсурлар билан уйғунлаштирилиб, янги-янги шакллар вужудга келишига кенг имконият яратилди. Натижада ёғоч ўймакорлиги фақат юртимизда эмас, хорижда ҳам катта шухрат қозondi. Ҳозир Абдуғани Абдуллаев, Анвар ва Йўлдош Азларов, Сирожиддин Раҳматуллаев ва уларнинг шогирдлари қадимги моҳир усталарнинг аъёнларини давом эттириб келмоқдалар. Бундай фидойи усталарнинг маҳорати билан кўп асрли ноёб аъёнлар замонавий қиёфа касб этмоқда.

Ўзбекистон халқ рассоми, Бадий академия академиги, машҳур ёғоч ўймакор Ортиқ Файзуллаев шундай усталардан. Устоз Маҳмуд Қосимовдан Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби сирларини ўрганиб, моҳир уста мақомига эришган Ортиқ Файзуллаев халқ амалий санъати бўйича юздан ортиқ республика ва халқаро кўргазмалар, кўриктановлар иштирокчисидир. Унинг шогирдлари орасидан Йўлдош Анвар, А.Азларов, Сирожиддин Раҳматуллаев сингари таниқли ёғоч ўймакорлари етишиб чиқди.

Ёғоч ўймакорлиги санъатида XIX асрдаёқ икки усул кенг тарқалган эди. Улардан бири фонга ясси рельефли ўйма нақш солиш бўлиб, бу усул устандан катта маҳорат талаб қилади. Тошкент ўймакорлик мактаби ана шу усулда иш олиб боради ва нақш безакларининг икки-уч хил даражада ўйиб ишланиши билан ажралиб туради. Унда фон ўртача чуқурликда бўлиб, безак сифатида "ислими", ҳандасавий, "гулли гирих", ҳатто кўриниши ўзгартирилган рамзий мотивлар кенг қўлланади. Пардозлаб безатишнинг барча усулларидан фойдаланилади. Ўйма безаклар чинор, қора қайин ёғочларида ишлатилган. Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабига хос усуллардан яна бири унда рельеф "бирти" рангининг ўзаро мувофиқлиги эътибор берилиши ва ўйма нақшларнинг лакланишидир. Ортиқ Файзуллаев ҳам ўйма безакларни тушириш учун қора қайин, чинор, ёнқок дарахти ёғочларидан фойдаланади.

Уста нақш безаклари шаклини туширишда ёғоч андозадан фойдаланади, баъзан эса нақшни парга ва чизгич орқали белгилаб олади. Шунинг таъкидлаш жоизки, О.Файзуллаевнинг устози М.Қосимов ёғоч ўймакорлигида биринчи бўлиб ўша икки услубни қўллаган эди. Шогирдлари эса устознинг бу ишини давом эттирдилар. Сўнгра уста расмини чизгич бўйлаб исканада ўйиб чиқади. Натижада нақш юзга ташланади, у ёғоч сиртидан алоҳида ажралиб туради.

Моҳир уста ўз ишларида рельеф сиртига пардоз беради. Бу эса материалга фон бериб баробарида алоҳида жозибадорлик ҳам бағишлайди. Устанинг ишларида безак ечимини муайян бўюмнинг ўзидан келиб чиққан ҳолда ўсимликсимон ва ҳандасавий мотивларни ўзаро уйғунлаштириш асосида ҳал қилинади. Бунга унинг галадонлари (пар-

доз қутчалар), лаган, кўп қиррали, хонтахта, лавҳ, қаламдон, панжаралари мисол бўла олади. Масалан, унинг ижодида мансуб лаганда буюм шаклининг симметриялиги билан боғлиқ ҳолда нақш композицияси ўсимликсимон мотивларни мослаштириш асосида ҳосил қилинган. "Ислими" техникада ишланган саккиз қиррали хонтахтада эса ўсимликсимон тупбаргуддан тигиз қилиб ўсимликсимон безаклар чикарилганки, бу буюмга кўркамлик бағишлаш баробарида композициянинг ахлитлигини таъминлаган. Уста "ислими" унсурларни кўлда бажарган. Аммо улар айлана ёйидаги тўлқинсимон бурама айлана безаклар билан уйғунлашиб кетган. Таъкидчиларнинг таъкидлашича, бурама айлана шакли тасаввурдаги асосий мотивлардан бири бўлиб, ўзида чуқур илоҳий мазмунни муҷассамлаштиради ва медитатив вазифани бажаради. Бурама айлана чизик абадий ҳаракатни, ҳақиқатни англаш рамзидир.

Ўймакорлик буюмларининг энг ноёб намуналаридан лавҳ-китоб қўйиладиган тагликлар яна ҳаётга қайтди, эндиликда улардан кенг фойдаланилмоқда. О.Файзуллаев яратган лавҳ нафақат техник жиҳати, балки шаклнинг мутаносиблиги, композициясининг нафис ва ахлитлиги, муқаммал тузилиши билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Ёғоч ўймакорлиги санъатида ҳам халқ амалий безак санъатининг бошқа турлари каби материални танлаш, техника, нақш безаклари, композиция, ранг, шакли тўғриси танлаш билан боғлиқ унсур, омилларни уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга. О.Файзуллаев чинакам уста сифатида бу уйғунликни теран ҳис этади ҳамда ўз ишларида ахс эттиришга эришади.

О.Файзуллаев пойтахтдаги Ўзбекистон давлат тарих музейи, Санъат музейи, "Тошкент" меҳмонхонаси, "Мовий гумбазлар" қаҳвахонаси каби меъморий иншоотлар, республикамиз шаҳарлари ва хорижда қатор биноларни нақшдор қилиб безатиш ишларида иштирок этди. Сўнгги йилларда бунёд этилган кўплаб мухташам бино ва иншоотларда ҳам моҳир уста ва унинг шогирдлари санъати ўз аксини топмоқда.

Уста нақшош ижоди таҳлили шундан далолат берадики, уларда илдиизи олис ўтмишга бориб боғланувчи аъёнлар билан ва бугунги кун кишиларининг маънавий дунёсига мос дид, караш мавжуд. Буни алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам устанинг ишлари бугун фақат юртошларимизни эмас, чет эллик санъат муҳлисларини ҳам ҳайратга солиб келмоқда.

Қадим ҳунармандлик санъатининг миллийликка йўғрилган аъёнларини замонавийлик билан уйғунлаштириб, авлодларга мерос қолдиришга муносиб ҳисса қўлиб келаётган ноёб ҳунар соҳибини Ортиқ Файзуллаев ижоди Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодликка муносибдир.

Камола ОКИЛОВА, санъатшунослик фанлари доктори

Ўтган йил кузда Нукусда бўлганимда, таниқли расмол, марҳум Жоллибай Изентаевнинг устахонасига кириб ўтган эдим. Расмол қолдирган бисотлар билан таниша туриб, хонанинг бурчак-бурчакларида ҳали кўргазмаларга қўйилмаган, Сезанн, Матисс, Ван Гог, Поль Гоген каби буюк расмоллар услуби тажриба қилинган этюдлару манзара ишларига кўзим тушди. Бу, бир томондан, расмолнинг изланувчанлиги, заҳматқашлигини кўрсатса, иккинчи томондан ўз халқи яратган каштачилик ва гиламчиликдаги ранг-

Расмол таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб шу йил баҳорда Нукусда, И.Саъидий номидаги давлат санъат музейида очилган катта кўргазмага қўйилган асарлар мундарижаси турли изланишлар, ютуқлар ва янгича ёндашишларга мўл бўлса-да, барисидда қорақалпоқ заминининг беқийс жилваларига бой ранглари нурланиб туради. Изентаевнинг шахсий кўргазмаси очилганидан сўзга чиққан Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков унинг мағзи тўқ, ўзига хос рангтаъсир асарлар яратишида қучли қаламтаъсир маҳорати қўл келганини тўғри таъкидлаган эди. Ж.Изентаев қорақалпоқ халқининг фожеа ва қайуларга тўла ўтмишини, кечаги тарихини ўрганаган экан, йирик полотноларида унинг қисмат сўқмоқлари ва умид йўлидаги интилишларини тасвирлашга бел боғлади. Бунда жанрли композициялар, қўламли лавҳалар тасвири учун ранг танлашда гўё қуллар орасида чўланаётган оловни эслатувчи бўёқни топиш осон кечмади. Худди ана шу ранг шимол кенгликларидеги қорақалпоқ заминининг манзараларига хамиртуруш бўлган бўёқлар билан чинакам ҳамоҳанглик касб этади. Рангтаъсирчи учун ижодда муқим ранг йўқ, у худди табиатдаги сингари мато-да ҳам бошқа ранглар соясиде, улар таъсирида ўзгариларга учирайди. Ҳақиқий рангтаъсирда буни ҳис қилмоқ учун расмол табиатдан турма бир ҳиссиётга, сезига эга бўлмоғи лозим.

Жоллибай оға қорақалпоқ заминидеги мавжуд ранглариғина матога кўчириш, уларни воқелиқдан бадииятга яқинлаштириш йўлидан борди. Расмол катта бисот йиғиб, халқ ҳошини ифода этувчи ўлкашунослик музейи ташкил этган расмол ва музейшунос Игорь Савицкий билан ёнма-ён ишлади, ундан ўз элининг ижодкор қалбини тинглашни ўрганди. Мана шу тинглаш самараси ўлароқ катта-катта картиналарга қўл урди, олис овуллар ва қадим кўрғонлар сари дадил йўл олди. Археологик топилмалар ва ўтовлардаги ҳаёт, саҳролардаги чўпон йўллари тасвирлари бадий сайқал топиб, бирма-бир картиналарига кўча бошлади. Расмол бу тасвирлар орқали ўз ички дунёсиде туғилаётган янгича ранглар оҳангини кашф этди.

Тарихий мавзуларга бағишланган "Умид йўлида", "Беғжон фожеаси", "1945 йил аёллари" каби жанрли картиналарида қорақалпоқ халқи тақдиридеги муҳим лавҳаларни эпик тарзда ифода эта олди. Бу асарлар ечимини бадий тафаккур тамойилларига асосланган. Агар биринчи асарда дарбадарлик ва сарсон-саргардонликда саҳро қўйнида қаергадир наҳот излаб бораётган одамлар оқими даврга хос ру-

лар ва композицион чизгилар Европа расмолларини нима учун қизиқтирганини санъаткор ўз ишлари орқали таққикот-тажриба қилиб кўрганидан далолат беради. Уша кун Жоллибай оғанинг ижоди ҳақида бир пайтлар Москвада чоп этилган альбомини, унинг ўзи қорақалпоқ тилида ёзиб қолдирган "Кўнгли кечинмалари" номли хотира ва шеърлардан иборат китобини узоқ варақладим. Шу аснода расмолнинг ижодий шаклланиши, етук расмол бўлишига замин ҳозирлаган пойдеворини бироз англагандай бўддим.

Рангтаъсирда, хусусан, портретда бу жиҳатларни қиёмига етказишда баъзан энг моҳир расмолнинг ҳам кучи етмай қолади. Шу жиҳатдан Жоллибай Изентаевнинг "Қорақалпоқлар" туркумидаги "Гулбахор портрети", "Она портрети", "Борлиқбай портрети" каби қатор психологик асарлари диққатни тортади. Изентаев манзара жанрида ҳам баракали ижод қилди. Унинг "Хива, Чангли кун", "Бозор", "Нукусда баҳор", "Қорақалпоғистонда куз", "Қизкетганда тонг", "Яшил ховли" каби қатор нафис манзараларини эслаш кифоя. Меъморий обидаларни ўз ичига қамраб олган "Хива, Ҳовуз", "Кўҳна Урганч" ва "Нукусдаги ҳовлича", "Шўр қўл", "Овул" каби манзаралар расмолнинг бу жанрдаги ёрқин истеъдодини намойён этади.

Расмол Орол мавзуга бағишланган бир туркум асарларида воқелиқ моҳиятини ёритишда публицистик ёки плакатнамо услубдан фойдаланмайди, балки уларни оддий лавҳалар орқали бадий умумлашмалар даражасига кўтаради. Хусусан, "Мўйноқ, Қумдаги саксовул", "Кемалар қабристонини", "Мўйноқ", "Чекинаётган денгиз таги" каби асарларида кичик деталлардан, айтилмай, саксовулдан тортиб, йирик тасвирга эга кемаларгача фожеа тафсилотидан дарак бериб туради.

Расмол қорақалпоқ заминиде унган сабзавот, полиз экинлари, мевалар мавзуда натюрмортлар яратар экан, уларни биргина озиқ-овқат сифатида эмас, балки гўзаллик тимсоли, мафтун этувчи бир неъмат тарзида тақдим этади. У ўз натюрмортларида фақатгина бу мавзу билан чекланмайди, кўпроқ ҳалқнинг умкан бисоти бўлган амалий санъат намуналарини жиловсини таранум этишга ошиқади. "Қумғонли натюрморт", "Никобли натюрморт" ва бошқалар шулар жумласидан.

Жоллибай Изентаев ижоддан ташқари, давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол эди. У кўп йиллар Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоқ бўлимини раиси сифатида иш олиб борди, Нукус педагогика университетиде таъсирий санъат кафедрасини бошқарди, ёшларга устозлик қилди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси депутати бўлиб, жамоатчилик ишларини адо этди.

Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми Жоллибай Изентаев ижоди, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти номзодлигига муносибдир.

Нодир НОРМАТОВ

АНЪОНАЛАРНИ АРДОҚЛАГАН УСТА



ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Интернет сайтлари бугун жаҳон ахборот тизимининг етакчи бўлиб қолган бирига айланган сир эмас. Кувонарли жиҳати, дунёга машҳур электрон хизмат кўрсатиш тизимлари қаторида



Ўзбек сайтлари ҳам муносиб ўрин эгалламоқда. Бу борада мамлакатимизда энг катта ахборот ресурсларидан бири "www.zyouz.com" портали фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. Голландиянинг халқаро "Openstat" тизими берган маълумотларга кўра, 2012 йили "www.zyouz.com" портали хизматидан фойдаланганлар сони бир ярим миллиондан ошган. Портал ташкил топгандан бунён (2004 йил) унга ўн икки миллиондан ортиқ киши таъриф буюрган. Шунингдек, ушбу порталга АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой, Германия каби бир юз олтмишдан ортиқ давлатлардаги фойдаланувчилар қизиқиш билдирмоқда. Ўзбек тили, маданияти ва адабиётининг тарғиботи билан шуғуллана

нувчи сайтнинг электрон архивида ҳозирги кунда ўн тўрт мингдан ортиқ илмий-оммабоп, маърифий мақолалар, уч минг олти юзга яқин ўзбек ва хориж тилларидаги китоблар сақланмоқда. Яқинда улар сафига Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг 20 жилдик "Муқаммал асарлар тўплами" ва рус тилидаги 5 жилдик "Асарлар тўплами" жойлаштирилди. Китобларнинг электрон нусхаси "www.zyouz.com" томонидан тайёрланади. Уқувчилар уларни портал сайтдан эркин кўчириб олиш имкониятига эга.

МАШҲУР ЁЗУВЧИ ЭКРАНДА


Машҳур "Алкимёғар" романи муаллифи, бразилиялик ёзувчи Паоло Коэло санъат тарихидаги ноёб ижодкорлар қаторидан жой олиши мумкин. Маълумотларга қараганда, ёзувчи фаолиятига бағишланган янги филмин суратга олиш ишлари якунига етди. Тўғри, кино ихлосмандлари назариде бу оддий воқеа бўлиб кўриниши мумкин. Сабаби, адабиёт намояндаларига бағишланган кўплаб кинофилмлар суратга олинган. Бироқ гап шундаки, ҳаётлик чоғидаёқ кино қаҳрамонига айлануш деярли ҳеч бир ёзувчига насиб этмаган. Испания ва Бразилия кино усталари ҳамкорлигиде яратилаётган фильм ҳозирданок кўлаб шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Картина продюссери Иона де Маседонинг таъкидлашича, фильм ижодкорлари экранга ҳаётнинг мураккаб синовларини бошдан кечирган инсон тақ-

дирини очиб беришга ҳаракат қилишган. Асар сценарийси Каролина Кочо томонидан ёзилган бўлиб, барча матнлар ёзувчи билан уюштирилган суҳбатлар асосиде яратилган.

Филм воқеалари Паоло Коэлонинг болалик чоғларидан бошла-ниб, ёзувчи ҳаётининг турли даврларини қамраб олади. Айрим маълумотларга қараганда, филмде ёзувчининг ўзи ҳам иштирок этиши мумкин. Аммо картина ижодкорлари бу хабарни ҳали тасдиқлагани йўқ. Айна пайтда асосий суратга олиш ишлари якунига етган. "Паоло Коэло ҳақида энг яхши ҳикоя" номини олган филм тақдими 2014 йилнинг иккинчи ярим йиллигиде бўлиб ўтиши режалаштирилган.

КЭМЕРОН "3 D"ГА ҚАРШИ

Голливудлик машҳур режиссёр Жеймс Кэмерон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатда "3 D" услубиде яратилаётган филмлар тобора кўпайиб бораётганини танқид



Етти ранг

қилди. Кино тажрибасиде биринчилардан бўлиб ушбу технологияга мурожаат қилган Кэмероннинг фикрлари, шубҳасиз, кўпчилик муҳлисларда қизиқиш уйғотди.

— Тўғри, "3 D" технологиясининг оммалашувиға ўзим ҳам катта ҳисса қўшганман, — дейди режиссёр. — Биз кўзлаган асосий мақсад кино санъатига янги ижодий ёндашувни олиб киришдан иборат эди. Бироқ "3 D" технологиясининг барча филмларда қўлланишга қаршиман. Афсуски, бугун фантастик мавзудаги барча филмлар ушбу услубиде суратга олинмоқда. Айрим ижодкорлар "3 D" филмининг томошавийлик хусусиятини оширади деб ўйлашмоқда. Масалан, "Walt Disney Pictures" компанияси томонидан суратга олинган "Темир одам — 3" филмиде ушбу услубдан фойдаланишга эътиж йўқ эди. Сабаби, картина шундоқ ҳам турли компютер эффектларига бой. Унда "3 D" технологиясининг қўлланиши эса режиссёрлик ёндашувини йўққа чиқарган.

Айтиб ўтиш лозимки, Ж.Кэмероннинг "3 D" технологияси асосиде яратилган "Аватар" филми кино тарихида ўзига хос бурилиш ясади. Ушбу филм экранга чиққандан сўнг кўплаб Голливуд студиялари янги услубиде филм суратга олишга ўтишди. Шунга қарамай, кино ижодкорлари орасиде "3 D"га қаршилар ҳам йўқ эмас. Айна пайтда мазкур технологияни филмларда қўллаш борисиде баҳслар давом этмоқда.

СОФИ ЛОРЕН КИНОГА ҚАЙТДИ

Қарийб ўн йиллик танаффусдан сўнг италиялик машҳур актриса Софи Лорен кинога қайтишга қарор қилди. "People" нашрининг хабар беришича,



санъаткор айна пайтда ўғли Эдуард Понти режиссёрлигиде суратга олинаётган "Инсон овози" филмиде иштирок этмоқда. Таниқли драматург Жан Коктонинг шу номдаги пиесаси асосиде яратилаётган филмде актриса қандай рол ижро этаётгани ҳозирча маълум эмас.

Шунга қарамай, муҳлислар машҳур актрисанинг кино экранига қайтишини озиқиб қутишмоқда. Шунингдек, бир қатор режиссёрлар С.Лорени ўз филмларига тақлиф қилишган. Аммо актриса бирор киностудия билан шартнома имзолаганини расман эълон қилгани йўқ. Айрим муҳлисларнинг фикрича, "Инсон овози" С.Лоренинг охириги филми бўлиши ҳам мумкин. Эслатиб ўтамиз, 78 ёшли актриса

сўнгги бор 2004 йили "Майдаланган гармдори" комедиясиде бош роллардан бирини ижро этганди. Шундан сўнг актриса 2009 йили италиялик театр усталари саҳналаштирган машҳур "Тўққиз" мюзиклида иштирок этди.

ЖЕКИ ЧАН ЭНДИ ТЕАТРДА

Шарқ яққа курашларининг моҳир устаси сифатида танилган хитойлик актёр Жеки Чан кинода фаолиятини яқунлаши тўғрисида аввал ҳам маълумот берилган эди. Бу янгиликни Ж.Чаннинг ўзи расман тасдиқлаган бўлса-да, актёрнинг ҳали санъат оламини тарқ этиш истаги йўқ. Аксинча, эндиликда, у ўз истеъдодини театр саҳнасиде ҳам синиб кўрмоқчи. "The Hollywood Reporter" нашри тарқатган хабарга кўра, машҳур актёр ўз ҳаёти асосиде мюзикл саҳналаштиришни режалаштирмоқда.

Ҳозирча, спектакл учун пиесани ким ёзиши маълум эмас. Тахминларга қараганда, мюзикл Ж.Чаннинг 1998 йили нашр этилган "Мен ҳамон ўша Жеки Чанман" номли шахсий мемуарлари асосиде яратилиши лозим. Шунингдек, актёр ўз мемуарларининг давомини ҳам чоп эттирмоқчи. Айна пайтда эса хитойлик машҳур актёр янги спектакл учун саҳналаштирувчи режиссёр излаш билан банд.

Интернет маълумотлари асосиде тайёрланди.



Дунё — кенг...

ОЙ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Хозирга қадар олимлар Ойнинг қандай пайдо бўлгани тўғрисида яна фақат бир қарашни кўришган...

Эринг ядро қисмида ядровий реакциялар юз беришига доир назария кўп вақтдан буён мавжуд...

Вестренинг илгари сураётган назарияга биноан уран ва плутоний каби оғир элементлар Эринг хозирги ядроси шаклланиши билан...

Бирок ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиган скептикларнинг фикрича, ҳатто глобал даражадаги геореакторнинг мавжудлиги ҳақида исботлар бўлмаган...

Ч.Дарвиннинг ўғли таникли астроном Жорж Дарвин Ер сайёраси жуда катта тезлик билан айлангани оқиба...

Бошқа бир гипотезага кўра, 4,5 миллиард йил муқаддам Эринг Марс сайёраси катталигидеги фазовий жисм билан тўқнашуви оқибатида Ой пайдо бўлган...

ҚОН ГУРУҲИ ВА САЛОМАТЛИК

Британиялик олимлар одамларнинг қон таркибини таҳлил этиш орқали уларнинг қанча яшашини аниқ...

Лондондаги кириллик коллежи профессори Т. Спектор одамлар қонидан махсус маркерлар деб аталган 22-метаболит (биокимёвий бирикмалардаги модда)...

Масалан, метаболитлардан бири ўпка фаолияти, қон босими, холестерин даражаси ва суюқлашган қон билан боғлиқ...

Кексаллик чоғидаги саломатлик ҳолати учун муҳим бўлган яна бир кўрсаткич, бу — одамнинг туғилган пайтидаги вазнининг қанчалигидир...

Америка кардиология ассоциацияси мутахассислари қон билан боғлиқ яна бир қутилмаган натижа...

Айни чоғда, 2-қон гуруҳига мансуб кишиларда липопротеин — юшмоқ холестерин кўп ишлаб чиқарилгани боис...

— Ўзининг қон гуруҳи ва уларга хос хусусиятларни яхши билиш холестерин даражаси ва қон босими миқдорини назорат қилиш имконини беради...

Интернет хабарларидан.

— Иш куён эмаски, қочиб кетса — деймиз-да, ҳангомани бошлаб юборамиз. Эрталабки ҳангома, э-э, бунга нима етсин!

Гунгур-гунгур энди қизий бошлаганида бугун душанба экани эдимга тушади. Қўшни хонага ўтиб, иш столимга ўтираман...

Икки варақ ўқийди туриб, дунёнинг у бошидан кириб бу бошидан чиқаман-да, тушликка йўл оламан.

— Ҳа-я, гапинг тўғри. Бир автобус одам ичида шарманда-ю шармисор бўламан-ку!

Ана шунақа. Мен галварс масалани бир ёқлик қилгунча қизча тушишга тараддулланади. Беговта бўламан, бир ҳаёл орқасидан тушайми, дейман.

— Бас! Етар сустиқашлик! Энди бошлайман. Райратим бирам жўшяптики!

— Бас! Етар сустиқашлик! Энди бошлайман. Райратим бирам жўшяптики! Ҳаётни бошқатдан бошлаганим бўлсин!

Махмуд БҲРОНОВ

«КУЛМАСДАН ТУРОЛМАЙМАН»

Матбуот саҳифаларида Махмуд Бўроновнинг кўпқабатли ҳажвий асарларига кўзимиз тушган. Яқинда муаллифнинг «Кулмасдан туролмайман» номли китоби ўқувчилар қўлига теғди.



«Кулмасдан туролмайман» китоби

«Бас етар! Яқовликка чек қўямиз ва... душанбадан бошлаймиз. Ҳа, шундай бошлайликми...» деб ишга астойдил киришмоқчи бўлганимни кўрса...

Иситман йўқ. Бир нималар деяганим рост. Ҳар кун дакки эшитса, ким нималар дейди, дейсиз? Қачон қарасанг — аҳвол шу.

«Қачон одамга ўхшаб иш қиласан?», деса, бошқаси: «Бу туришингда ўнгарилмай ўтиб кетасан, шекилли», дея дашном беради.

«Душанбадан бошлайман. Ана кўрасанлар — шундай ишлайман-ки!...» Душанбагача икки-уч кун бўлади. Шу вақт ичида ўзимни катта ишга чоғлайман деб ўйлайман-да...

«Душанбадан бошлайман» номли ҳажвийни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

ДУШАНБАДАН БОШЛАЙМАН

майма. Тушдан сўнг, албатта, кутубхонада ўтираман», деб кўнгила тугардим, лекин... лекин энди аҳдим бошқача.

«Ман, бугун душанба! Азонда соат кўнгириги бирам чўзиб жирингладики, асти қўяверасиз. Менда, йўқ, қулоғида қасди борми касофатни деб ўйладим.

«Шунинг жиринглашига ўрнимдан турсам отимни бошқа қўяман», дейман-ку, барибир ётишдан олдин унга тоб бериб қўяман-да. Бугун ҳам у хар қанча жирингламасин, мен энгиб чикдим ва одатдаги режимибга тушиб олдим.


«Истасам, ҳали автобусда ҳам ўқишим мумкин-ку, қайтага бамайилхотир ўтириб кетишга баҳона бўлади. Китоб кўлимда, автобусга чикдим. Чикдим-у, қотдим. Оҳ, анави барнони қаранг,

билдиради. Унда: «Яхши қиз бир минута мумкинми, а?» дейди бошқаси. «Э, қўйинглар оғайнилар, — дейман юрак ҳовучлаб.

«Тентақлик қилма, иш нима бўлади?» дея ўзимга ўғит бераман. Қизча автобусдан тушган, ҳаёлим жойига келади. Юрак меърида ура бошлайди.

«Шунинг жиринглашига ўрнимдан турсам отимни бошқа қўяман», дейман-ку, барибир ётишдан олдин унга тоб бериб қўяман-да. Бугун ҳам у хар қанча жирингламасин, мен энгиб чикдим ва одатдаги режимибга тушиб олдим.

«Истасам, ҳали автобусда ҳам ўқишим мумкин-ку, қайтага бамайилхотир ўтириб кетишга баҳона бўлади. Китоб кўлимда, автобусга чикдим. Чикдим-у, қотдим. Оҳ, анави барнони қаранг,



Хажвия

АСАРЛАР НАМОЙИШИ

Тошкент Фотосуратлар уйда фото мактаб-студияси битирувчиларининг диплом ишлари кўргазмаси очилди. Экспозициядан ўн олти нафар ўқувчининг юздан ортқ асари ўрин олган.

Намойишга қўйилган асарлар маҳорат билан бажарилгани, услуб ва мавзу жиҳатидан хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

«Иш жараёнида», «Кулолчилик санъати» каби асарлари манзаранар аниқ тасвирга туширилгани ва рангларнинг тиниқлиги билан муҳлислар эътирофига сазовор бўлган бўлса...

Моҳинур МАҲСУМОВА

ЁШЛАР БАЙРАМИ

Пойтахтимизда Алишер Навоий номидаги Миллий Богда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, танқини ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур тадбирда ўзбек халқининг миллий-маданий мероси, салоҳияти ва эришган ютуқларини тарғиб қилиш мақсадида турли мавзудаги лойиҳалар, кўргазмалар, ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ёшлар учун «Қувноқ стартлар», «Сен «Қамолотни» биласанми?», «Қамолот — шахмат тахтаси», «Ёш мусаввирлар», «Ёш наққошлар», «Расмларда Ватаним тимсоли!» «Бахтиёр оила — обод турмуш гарови» номли маданий-маърифий беллашувлар ва спорт бекатлари ташкил қилинди.


Концерт дастурини таниқли санъаткорлар ва ёш ижроачилар, болалар ашула ва ракс ансамбллари ижросида куй-қўшиқлар, турли ҳангомалар ва театрлаштирилган томошалар намойиш этилди.

«Тошкент оқшомлари» байрам тадбирлари шу йилнинг 23 августига қадар, ҳафта-нинг ҳар жума кунини соат 18.00 дан 19.30 гача Алишер Навоий номидаги Миллий Богда бўлиб ўтади.

«Туркистон-пресс»

«ТЕАТР»

Журналнинг бу йилги 2013 йил 3-сон унчи сони «Саҳна ва замон» рўқнида берилган «Театр санъати — обод турмуш зийнати» (Абдуллажон Бегматов, фалсафа фанлари доктори) мақоласи билан очилади.



маданият институти талабаси Азиз Матқубов институтда бўлиб ўтган «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивали ҳақида «Салоҳият майдони» номли мақоласида атрофлиқа фикр юритади.

Санъатшунослик фанлари доктори Мухаббат Тўлаҳўжаева «Афсонага айланган аёл» мақоласида ўзбек ракс санъати маликаси Мукаррама Турғунбоевнинг ижодий мероси ҳақида хикоя қилади.

«МОЗИДАН САДО»

Журналнинг Сурхон воҳасига бағишланган махсус сони босмадан чиқди. Бу сон Сурхон воҳасининг қадимий ўлкаси Бақтрия, Термиз шаҳарларининг тарихи, этнографияси, шахарсозлиги, археологияси ва ўзига хос қадриятларини акс эттирувчи мақолалардан таркиб топган.

3.Ҳакимовнинг «Бақтрия — яловбардор ўлка» мақоласи Амударё юқори оқими бўйлаб жойлашган қадимий тарихий-маданий ўлка таърифида бағишланган. Ш.Пидаявнинг «Термиз» мақоласида таъкидланишича, Термиз милоддан аввалги III-II асрларда Юнон-Бақтриянинг шимолий сарҳадларидаги асосий истеҳком бўлган ва антик муаллифлар ҳабаб беришича, «Бақтриянинг мингта шаҳридан» бири ҳисобланган.

Журнал Галина Пугаченковнинг илмий кундалигидан илк бор чоп этилаётган эсдаликларни босишда давом этган. Бу сонда «Далварянтепа ва Хадда хайкаллари»га бағишланган парча журналхонлар эътиборига ҳавола этилаётир. Сурхондарё ёдгорликлари Урта Осиёдаги Икки дарё оралиги ўрта аср меъморчилигининг ўзига хос маҳаллий мактабларидан бири ҳисобланиши ҳақида 3.Ҳакимовнинг «Тоҳаристон меъморчилиги» мақоласидан биллиб олиш мумкин.

Т.Пардаев мақоласида воҳада икки минг йиллар муқаддам ривож топган хунармандликнинг қулолчилик, заргарлик, қандакорлик, бинкорлик, тўқимачилик соҳалари ҳақида хикоя қилинса, Ш.Қамолдиннинг «Термиз воҳаси шаҳарлари» мақоласида ўрта асрлар шаҳарлари ҳақида сўз юритилади. З.Носирова, Б.Нодир, Э.Қобулов ва М.Файзуллаев мақолаларида каштачилик намуналари, воҳа аҳолисига хос либослар, уй шароити-тида жундан гилам, тўрва, кизил каби буюмлар тайёрлаш ҳақида хикоя қилинади.

Шунингдек, Ф.Холмонова, О.Худойназаров, Г.Аҳмедовларнинг «Нихоқ тўйлари» ҳамда А.Бўроновнинг «Фарзанд таваллудини нишонлаш удумлари» мақолаларида воҳа тўйларининг ўзига хос хусусиятлари талқин қилинган.

Сўғдиёна ШУҚУРОВА

санъати маликаси Мукаррама Турғунбоевнинг ижодий мероси ҳақида хикоя қилади. Санъатимиз даргаларидан яна бири — атоқли композитор Икром Акбаров фаолияти консерватория ўқитувчиси Камолиддин Азимов мақоласи учун мавзу бўлган.

Шоҳрух Абдурасулов «Тоғай Мурод театри» номли мақоласида адибнинг саҳнага кўчган асарлари ҳақида фикр юритади, Маъмурхўжа Хўжаев «Куларди, куларди...» номли ёдномасида отаси, халқимизнинг сеvimли санъаткори Сойиб Хўжаев ҳақидаги хотираларини ёзган.

Жўра Тешабоевнинг «Саҳна усталари ҳужжатли экранда», Инна Горлинанинг «Ашрафий ва саҳна санъати», Пулат Тошкеновнинг «Цирк режиссураси хусусиятлари», Дилноза Комилованинг «Меҳр нури»нинг тугилиши», Ширин Рамазонвановнинг «Санъаткор ёққан чироқ», Муҳайё Мухторованинг «Ҳавас қилгучлик умр» каби мақолалари ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

Журналда, шунингдек, «Теран илдизлар», «Изланиш», «Санъат фидойилари», «Оҳанлар олами», «Театр сарҳадлари» каби руқнлар остида сермазмун мақолалар чоп этилган.

Хилола АБДУРАҲМОНОВА

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА»

2013 йил, 2-сон Бадийий сўз сеҳри, мўъжизасига бағишланган Андрей Слонимнинг мақоласи сершоқин оламда чинакам Сўзнинг ўрни ва аҳамияти нечоғли қадр-қимматга эга эканлигини яна бир бор ёдга солди.

Шеърятдаги «Янги номлар» руқни остида Руслан Тожиев, Адель Чилъкова шеърлари, ЎЗМУ тадқиқотчиси Лутфулла Ҳасановнинг детектив жанри поэтикаси таҳлилига бағишланган мақоласи берилган. Эркин Жолдасов ва Михаил Гарнинг романлари, Рустам Шагаев эссеси, Вера Вавиловнинг хикояси, Владимир Васильев ҳамда Алексей Гвардиннинг туркум шеърлари журналнинг ушбу сони мундарижасига алоҳида салмоқ бағишланган.

Ўзбек мумтоз адабиёти вакили Мухрим Обиднинг тўртта газали Е.Абдуллаева томонидан ўғирилган. Шунингдек, атоқли шоир Абдулла Ориповнинг бир туркум шеъри А.Файнберг ва Н.Ильин таржималарида берилган. Ўзбек ёзувчиларидан Ўрзуқул Эргаш, Дилшод Нуруллаев хикоялари, Мавлуда Ибрагимованинг қиссаси ҳам ушбу сонда эълон қилинган.

Болаларга аталган Р.Фарҳодий, Н.Красильников, Л.Юсупованинг шеърлари, тадқиқотчилар Д.Арзикулов, Д.Саъдуллаевнинг тадқиқотларини, Ю.Флигиннинг «Ўзбекистон Миллий университети тарихининг илк саҳифалари» мақолаларини ҳам журналнинг мазкур сониди ўқийсиз.

Маданият ва спорт ишлари вазирилик «Ўзбектеатр» бирлашмаси Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри раҳбари, Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Раҳмановга валадид муҳтарамаси ХУМОР аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Ҳабиб Сиддиқовга отаси Мамадумар СИДДИКОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусовга турмуш ўртоғи Шаҳло ЮНУСОВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. ҲОМИИ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВИ» АКЦИДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотхона кўчаси, 32. Қабулхона — 233-52-91. Котибият — 233-49-93. Электрон манзилмиз: uzas@mc.s.uz. Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86. Санъат бўлими: 233-56-99. Иجتимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42. Назм ва наср бўлими: 233-58-60.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциддорлик компанияси босмаконаси. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.08.

ЖУМА КУНАЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН. ISSN 2161-614X. 722181414000